# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИГА САЙЛОВЛАР ВА ПАРТИЯНИНГ НАВБАТДАГИ ВАЗИФАЛАРИ

**(Давоми. Боши 1- ва 2- бетларда.)**

имкониятлардан самарали фойдаланишдир. Давлат идораларининг рисоладагидек ишлашини таъминлаш, қонун, фармон ва қарорларнинг тўла ижро этилишига эришиш, раҳбар ходимлар фаолияти устидан таъсирли назорат ўрнатиш ва бошқалар ҳам худди мана шундай самарали воситалар сирасига киради.

**Тўртинчидан.** Сиёсий дастуримизда партиямизнинг сайловолди даъватлари Президентимиз Олий Кенгашнинг XVI сессиясида ўртага ташлаган умуммиллий, умумдавлат тусидаги шиорлар билан уйғунлаштирилган ҳолда баён этилган.

Табиийки, сайловолди Сиёсий дастуримизда ифодаланган ғоя ва мақсадларни фуқароларга, ҳар бир сайловчига етказа олсакгина, улар партиямиз номзодларини қўллаб-қувватлашлари, уларга овоз беришлари мумкин. Шу жиҳатдан олганда, сайловолди Сиёсий дастурини ишлаб чиқиш ишнинг ярми бўлса, унинг иккинчи ярми — мазкур ҳужжатни сайловчилар ўртасида моҳирона тарғиб этиш, ғояларимизни кенг омма онгининг мулкига айлантиришдир.

Партиямизнинг сайловолди Сиёсий дастури хусусидаги фикрларимиз шулардан иборат. Ўйлаймизки, бугунги муҳокамалар давомида айтиладиган истак ва таклифларни инобатга олган ҳолда, уни қиёмига етказиш, газеталаримизда эълон қилиш ва махсус плакат сифатида кўпайтириб, кенг омма ўртасида тарқатиш, тарғибот-ташвиқот ишларимизда унга таяниш керак.

## БОШ ВАЗИФА — САЙЛОВЛАРДА МУВАФФАҚИЯТ ҚОЗОНИШ

Ўртоқлар! Қурултойимиз олдида турган муҳим вазифалардан бири — республика Олий Мажлиси депутатлигига номзодларимизни тасдиқлашдир. Қонунга биноан биз 250 сайлов округининг барчасидан ўз номзодларимизни кўрсатиш ҳуқуқига эгамиз ва уларнинг сайланиши учун барча имкониятларимизни сарфлашга даъват этилганмиз.

Номзодларни танлаш билан партиямиз бошланғич ташкилотлари, унинг маҳаллий кенгашлари фаол шуғулландилар. Бўлажак номзодларни ўрганишлар, маслаҳатлашув ва кенгайтирилган пленумларда ўтган муҳокамалар — шу борада қилинган ишларимизнинг чизгилари, холос. Жуда катта ҳажмдаги ишлар жойларда қисқа муддатда бажарилди. Сиёсий ижроқўм тузган махсус Ишчи гуруҳи Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари пленумларининг шу борадаги тавсияларини ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, ўз таклифларини диққатингизга ҳавола этмоқда.

Шу нарсани мамнуният билан айтишимиз лозимки, партиямизнинг қуйи бўғинлари ташкилотлари давлат ҳокимияти маҳаллий идораларига ўтадиган сайловларга тайёргарликнинг дастлабки босқичида муҳим ишларни амалга оширдилар.

Халқ депутатлари барча даражадаги Кенгашларига сайловлар билан боғлиқ масалалар бошланғич партия ташкилотларининг йиғилишларида кенг муҳокама этилди. Уларда 420 мингдан зиёд ХДП аъзолари ва партиясизлар иштирок этдилар.

Ушбу масалалар партиямиз Қорақалпоғистон республика ташкилоти конференцияси, барча вилоят, туман, шаҳар кенгашларининг кенгайтирилган пленумларида кўриб чиқилди ва муҳокамага қўйилган 7236 кишидан 6860 нафари маҳаллий ҳокимият вакиллик идоралари депутатлигига номзод этиб кўрсатилди. Уларнинг орасида 752 нафар зиёли, 1200 нафардан кўпроқ ишчилар ва деҳқонлар, 120 нафар тадбиркорлар, 308 нафар ёшлар, 400 дан кўпроқ партиясизлар, мингта яқин хотин-қизлар бор.

Хўш, Олий Мажлисга партиямиздан номзодларни танлашга қандай ёндашилди? Аввалambор, номзодларимизнинг Олий Мажлис таркибига киришга муносибликлари масаласига эътибор берилди. Парламентимизнинг ишчан, юқори малакали давлат ҳокимиятининг олий идораси бўлиши унга сайланадиган кишиларга, уларнинг шу масъулиятли ишга тайёр, билимли, ҳаёт тажрибасига эга бўлишларига, обрў-эътиборли эканликларига боғлиқдир. Шуни назарда тутиб, партиямиз таклиф этаётган номзодлар ушбу талабларга жавоб берувчи кишилар, дейишга ҳақлимиз. Уларнинг орасида эл-юртга танилган, иқтидорли давлат ва жамоат арбоблари, олимлар, адиблар, партия ходимлари, ишчилар, деҳқонлар, жамоат ташкилотларининг намояндалари, хўжалик раҳбарлари, иқтисодчилар, ҳуқуқшунослар, сиёсатчилар, турли миллатларнинг вакиллари бор.

Улар — миллий давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш сиёсатига садоқатли кишилар.

Улар — мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар йўлига содиқ ватанпарварлар, халқимизнинг муносиб ўғил-қизлари.

Улар — ўзларининг самарали амалий ишлари, ташаббускорликлари, юксак ахлоқ-одоблари билан обрў орттирган юртдошларимиз.

Улар — Ватанимиз равнақи, севимли Ўзбекистонимизнинг буюк келажагини яқинлаштириш учун ўзларини аямайдиган фидойилар.

Биз уларнинг депутат этиб сайланганликлари тақдирда енг шимариб, халқимиз, Ватанимиз равнақи йўлида бундан ҳам самаралироқ меҳнат қилишларига ишонамиз.

Делегат ўртоқлар! Қурултой кун тартибидаги масалалар бўйича Марказий Кенгашнинг нуқтаи назари шулардан иборат. Кўриб турганингиздек, муҳокамага қўйилган масалалар бир-бирлари билан узвий боғланган, улар, гўёки, яхлит бир-бутун занжирнинг халқаларидирлар. Ушбу халқаларни боғлаб турган ўзак масала — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқарғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайловлар масаласидир.

Ушбу сайловларда фаол иштирок этиш ва уларда ишончли ғалабани қўлга киритиш — ҳозирги кунда партиямиз олдида турган бош вазифадир. Биз сайловларда партиямиз зиммасига тарихнинг ўзи юклаган масъулият туфайли қатнашиб, миллионлаб ҳамюртларимизнинг ишончини оқлашимиз керак.

Бунинг учун барча куч ва имкониятлар бир мақсад сари йўналтирилган, сиёсий курашнинг энг самарали, қонуний воситаларидан оқилона фойдаланилган тақдирдагина ғалабани қўлга киритишимиз мумкинлигини партиямизнинг ҳар бир аъзоси чуқур идрок этмоғи даркор. Зеро, шоир айтганидек,

**"Тақдирин қўл билан яратур одам,**
**Ғойибдан келажак бахт — бир афсона".**

Сайловларга тайёргарлик кўришнинг дастлабки босқичида барча даражадаги партия кенгашлари, маҳаллий ташкилотларимиз юксак интизом ва уюшқоқлик намуналарини кўрсатдилар.

Эндиги босқичда тарғибот ва ташвиқот ишлари алоҳида устиворлик касб этади. У партиямизнинг барча ташкилотларидан бу соҳада ҳам катта маҳорат, матонат ва жонбозлик кўрсатишни талаб этади.

Биз сайловларда иштирок этувчи бошқа томонлар — давлат ҳокимияти маҳаллий идоралари вакиллари ҳамда "Ватан тараққиёти" фирқасига ҳурмат билан қараймиз, уларни фақат қонуний йўл ва воситалар билан, шарқона ахлоқ-одоб андозалари доирасида курашишга чақирамиз ва ўзимиз унга қатъий риоя қиламиз. Шарқнинг Арастуси, деб ном чиқарган буюк ватандошимиз Абу Наср ал-Форобий бундан минг йилдан кўпроқ вақт олдин айтганидек:

**Бўлмади дунё биз учун абад уй,**
**Бас келмайин ўлимга ҳеч бир инсон.**
**Куррага тушган чизиқлар бизмикин?**
**Ел кўпирса, йўқ бўлурмиз шул замон.**
**Шул экан ҳол, бу муҳолифлик нечун?**
**Арзимасга бир-бири бирла ҳамон.**
**Жондан ажралганлик авломасмикан,**
**Айламакдин бунчалик тўс-тўполон?**

Давлат ҳокимияти вакиллик идораларидан депутатликка номзоди кўрсатилганларнинг талайгина қисми партиямизнинг аъзоларидир. Шу жиҳатдан олганда, уларнинг ғалабасини ҳам муайян маънода бизнинг ғалабамиз, деб ҳисоблаш мумкин. Уларга сайловларда муваффақият тилаймиз.

Энг асосийси — сайловларнинг бош, пировард мақсади у ёки бу сиёсий партиянинг, кучнинг, устига устак, у ёки бу шахснинг парламент, маҳаллий Кенгаш таркибидан қандай қилиб бўлса ҳам ўрин олиши билан эмас, балки халқимизнинг бирдамлиги, осойишталиги, тотувлигини таъминлаш, она-Ватанимиз буюк келажагини яқинлаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизнинг ғалабасига эришмоқдан иборат бўлмоғи лозим. Бу ерда худо бизни халқимизга хос ақл-заковат, донолик, бағри кенглик, тантиликдан асло дариғ тутмасин.

Биз аниқ мақсад — ғалаба қозониб, Парламент ва Давлат ҳокимияти вакиллик идораларига сайланган депутатларимиз орқали мамлакатни идора этувчи партия мақомига эга бўлишни кўзлаб курашга киришмоқдамиз. Фақат партиямизнинг шундай мавқеигина дастурий ғояларимиз, сайловолди мажбуриятларимизни рўёбга чиқариш имконини беради.

Бундан келиб чиқадиган эндиги асосий вазифа — сайловлардан кўзлаётган бош мақсадимиз — партиямиз номзодларини Олий Мажлис, давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идоралари таркибида энг камида оддий кўпчиликни ташкил этишларини таъминлашдан иборат. Шу билан бирга, мазкур сайловларнинг айни кўппартиялилик негизида ўтганлигини ишончли тарзда тасдиқловчи асосларни яратишдек умумсиёсий натижаларга эришишга бутун фаолиятимизни бўйсундириш алоҳида маъно ва мазмунга эга.

Партиямиз Раиси Ўзбекистон Президенти эканлиги бизга катта масъулият юкламоқда. Ташкилотимиз Президентимизнинг мустаҳкам сиёсий таянчи бўлмоғи учун, яна таъкидламоқчимизки, у жамиятимизда нуфузли мавқега эга бўлиши, яъни ўз номзодларининг давлат ҳокимияти вакиллик идораларида партиявий кўпчиликни ташкил этишларига эришмоғи даркор.

Масаланинг яна бир муҳим жиҳати шундан иборатки, биз нафақат — Олий Мажлис, балки халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ўтажак сайловларда ҳам ютиб чиққанимиздагина олдимизда турган вазифаларни бажара оламиз. Чунки, давлат ҳокимияти идораларининг қуйи бўғинларида муваффақиятсизликка учрасак, кўзланган мақсадларга жойларда эришиш қийин бўлади. Шунинг учун сайловолди курашини ҳамма ерда ва даражаларда юксак уюшқоқлик руҳида ўтказишимиз биздан талаб этилади.

Демократик сайловлар партиямизга ўзининг куч-қудрати, салобатини тўла намоён этиши учун ноёб имконият туғдирмоқда. Биз ундан самарали фойдаланмасак, тарих бизни асло кечирмайди.

Албатта, партиямиз зиммасига тушган масъулият юки — оғир, биз билан курашишга бел боғлаганлар — муносиб кишилар. Бироқ, партиямизнинг салмоқли салоҳияти ва катта имкониятлари, сафдошларимизнинг етарли сиёсий тажрибаси борлигини ҳисобга олсак, сайловлар натижалари бўйича юзимиз ёруғ бўлишига ишонамиз.

Қадрли дўстлар!

Бугун партиямиз уч ёшга тўлди. Фурсатдан фойдаланиб, халқимизни, барча сафдошларимизни чин дилдан қутлаб, сизларга Ватанимиз равнақи йўлидаги саъй-ҳаракатларингизда каттадан-катта муваффақиятлар тилаймиз!

Учга кирибмизми, қадрдон дўстлар, келинг кучга кирганлигимизни ҳам исбот этайлик.

Олдимизда турган тақдирилomon вазифаларни бажаришда омад бизга ёр бўлғай!

*Ўзбекистоннинг буюк келажаги учун!*

# МАҚСАДИМИЗ — ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН, ТИНЧ ВА ФАРОВОН ҲАЁТ!

## Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сайловолди Сиёсий дастури

**МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҲУР ФУҚАРОЛАРИ!**

**АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!**

1994 йил 25 декабрь — якшанба кунига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайловлар тайинланди. Бу — миллий мустақиллигимиз даврида Ватанимиз давлат ҳокимияти вакиллик идораларининг кўппартиялиликка асосланган дастлабки умумхалқ сайловларидир. Ушбу муҳим сиёсий воқеа мазмун ва моҳият жиҳатидан биз учун тақдирилomon аҳамиятга моликдир.

Мамлакатимиз, халқимиз ўзлигимизга хос тараққиёт йўлини танлаб, адолатли жамиятни, ҳуқуқий, инсонпарвар давлатни бунёд этиш сари Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов раҳбарлигида, юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаб, дадил бораётганлиги туфайли ҳам бўлғуси демократик сайловларни ўтказиш мумкин бўлмоқда. Мустақил мамлакатимиз Олий Мажлиси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларини шакллантириш, жамиятимиздаги иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий муаммоларни ҳал этишнинг мустаҳкам заминини яратади. Мазкур заминни ҳаракатга келтириш, ундан самарали фойдаланиш манфаатлари олдимизда турган олижаноб вазифаларни уддалашга муносиб, ўз халқи ва Ватани долзарб эҳтиёжларини ҳар томонлама қондириш йўлида фидокорона меҳнат қилишга, ҳаёт синовларига бардош беришга тайёр, серғайрат, юқори малакали мутахассисларни, обрў-эътиборли кишиларни республикамиз олий қонун чиқарувчи ва маҳаллий ижроия ҳокимиятлари идоралари таркибига сайлашни тақозо этади.

Халқимизнинг эзгу ниятлари, орзу-умидларини рўёбга чиқаришни ўз фаолиятининг асл мақсади ва бош мазмуни, деб билган Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўзининг конституциявий ҳуқуқидан келиб чиқиб, ушбу сайловларда иштирок этишга астойдил бел боғлади.

**АЗИЗ САЙЛОВЧИ!**

Агар Сиз партиямиз номзодларига ишонч билдирсангиз ва улар Олий Мажлис ва маҳаллий ҳокимият вакиллик идораларида мустаҳкам кўпчиликни ташкил этсалар, биз мустақиллигимиз йилларида қўлга киритилган ютуқларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ўтиш даврининг мураккабликлари боис вужудга келган муаммоларни ечиш, жамиятимиз, давлатимиз, халқимиз, ҳар бир фуқаронинг туб манфаатларига дахлдор қуйидаги устивор масалаларни ҳал қилиш учун барча куч-ғайратимиз, шижоат ва имкониятларимиз билан курашиш мажбуриятини ўз зиммамизга оламиз.

### ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР УЧУН!

Биз халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш, инсон шахси камолотини таъминлашнинг ҳал қилувчи омили бўлмиш иқтисодий пойдевор — бозор муносабатларига ўтиш ислоҳотларини изчил давом эттириш ва унинг ҳозирги босқичида: мулкнинг аксарият қисмини давлат тасарруфидан чиқариш, уни хусусийлаштириш жараёнини чуқурлаштириш, хусусий мулкчиликни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратишнинг энг таъсирчан ва самарали чора-тадбирларини кўриш;

янги иқтисодий муносабатларга ўтиш шароитида муҳим ўрин тутувчи молия-кредит тизимини такомиллаштириш, қимматбаҳо қоғозлар бозорини вужудга келтириш;

озиқ-овқат, халқ истеъмоли моллари, дори-дармон ишлаб чиқаришни, уй-жойлар қуришни кўпайтиришга йўналтирилган ишчан тадбиркорликни ҳар томонлама рағбатлантириш;

ишлаб чиқарувчиларнинг мустақиллигини таъминлаш, солиқ тизимини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш орқали уларни рағбатлантириш;

халқ ҳунармандчилигининг анъанавий турларини тиклаш ва ривожлантириш, оилавий ишбилармонликни қўллаб-қувватлаш;

хорижга тайёр молларни чиқариш имкониятларини ошириш ва уларни четдан келтиришнинг ўрнини босишни таъминлайдиган халқ хўжалигининг устивор тармоқларига илғор технологияларни жорий этишга йўналтирилган чет эл сармояларини жалб этиш йўлида астойдил ҳаракат қиламиз.

**Ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш халқнинг муносиб турмуш даражасини таъминлаши керак!**

### ОБОД ҚИШЛОҚ, БАДАВЛАТ ДЕҲҚОН, ЧИРОЙЛИ ТУРМУШ УЧУН!

Мамлакатимиз аҳолисининг кўпчилиги қишлоқ жойларида яшашини ҳисобга олиб, партиямиз Олий Мажлис, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий ҳокимият идораларига сайланган ўз вакиллари орқали қуйидагин вазифаларни илгари суради:

қишлоқда ўтказилаётган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш, мулк эгаларига хўжалик эркинлигини бериш ва ўз фаолияти натижалари учун уларнинг масъулиятини кучайтириш;

деҳқон (фермер) хўжаликлари, ширкатлар, бирлашмалар ва акциядорлик жамиятлари учун самарали молиявий ҳамда ишлаб чиқариш инфраструктурасини шакллантириш;

экинзорлар унумдорлигини оширишга қаратилган тадбирларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

хорижий инвестицияларни қишлоқда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва янги иш ўринлари яратишга йўналтириш;

яқин келажакда республикамизнинг ғалла мустақиллигига эришиш;

қишлоқ хўжалигига замонавий техника, технология ва транспорт воситалари етказиб бериш, илғор мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш йўли билан меҳнат унумдорлигини ва соҳа самарадорлигини кескин ошириш, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, уларни қайта ишлаш ва тайёр моллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;

саноатни қишлоққа олиб келиш — шаҳардаги завод ва фабрикалар шаҳобчаларини ташкил этиш, кичик корхоналар ва маиший хизмат муассасаларини кўплаб очиш;

**Она-ер ўз эгасини топсин, халқ фаровонлигини оширишга хизмат қилсин!**

### САХОВАТЛИ ВА ГЎЗАЛ ОНА-ТАБИАТ УЧУН!

Аждодларимиздан мерос қолган жаннатмакон ўлкамизнинг қадрига етиш;

табиат инъом этган бойликлар, хусусан, ер ва сувдан оқилона фойдаланиш;

саноат, қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалиги, маиший хизмат соҳаларида экологик соф технологияларни жорий этиш;

ўрмон ва қўриқхоналарни авайлаб-асраш, боғ-роғлару иҳота дарахтзорларини, теракзорларни кўпайтириш;

Оролбўйининг экологик, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларини босқичма-босқич ҳал этиш учун халқаро молиявий ташкилотлар ва жамғармаларни жалб этиш йўли билан Оролни қутқариш дастурини амалга ошириш;

саховатли она-заминни инсон яшаши учун яроқли, озод ва обод Ватан сифатида авлодларимизга қолдириш;

ҳар бир фуқарода мамлакатимизнинг ҳайвонот ва наботот оламига меҳр-шафқат, атроф-муҳитга зарар етказмаслик, она-табиатни эъзозлаш туйғуларини шакллантиришга доир миллий дастурларни ишлаб чиқиш, уларни рўёбга чиқариш, мазкур жабҳаларда халқаро миқёсдаги кенг ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари барча даражалардаги депутатларимиз диққат марказида туради.

**Осмонимиз мусаффо, еримиз саховатли, сувимиз зилол бўлсин!**

### КУЧЛИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ВА СОҒЛОМ АВЛОДНИ ШАКЛЛАНТИРИШ СИЁСАТИ УЧУН!

Партиямиз давлат ва бошқарув идоралари фаолиятини:

**шаҳару қишлоқдаги меҳнатга лаёқатлиларни** иш билан таъминлаш, касб-корга эга бўлиш ҳамда малака ошириш;

**ёшларни** ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш, ҳаётда ўз ўринларини топишлари учун тегишли шарт-шароитлар яратиш;

**меҳнат ва уруш фахрийлари, афғон уруши қатнашчилари, кам таъминланган оилалар, ногиронлар ва кекса кишиларни** ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг давлат тизимини янада ривожлантириш;

**хотин-қизларнинг** уларга табиат, Аллоҳ-таоло инъом этган она, уй бекаси бўлишдек муқаддас бурчларини бажо келтириш, соғлом авлодни вояга етказишга қўшаётган ҳиссалари янада баракали бўлиши, аёлларни оғир қўл меҳнати ҳамда уларнинг саломатлигига зарар келтирадиган ишлардан холи қилиш, опа-сингилларимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишлари учун етарли имкониятлар вужудга келтириш;

жамиятимизнинг табиий пойдевори, давлатимизнинг мустаҳкам таянчи бўлмиш **ҳар бир оиланинг** тўқ ва бадавлат бўлишини таъминлашда иқтисодий ислоҳотлар имкониятларидан кенг фойдаланиш;

**ногиронларга** муносабат жамият инсонпарварлигининг ўзига хос мезони эканлигидан келиб чиқиб, уларга шарт-шароитлар яратишнинг давлат тизимини такомиллаштириш;

соғлиқни сақлаш соҳасини замонавийлаштириш, **аҳолини** соғломлаштиришга доир аниқ тадбирларни амалга оширишга қаратади.

Биз:

қонунлар устиворлиги, улар олдида жамиятимизнинг барча аъзолари масъуллиги, тенглиги, ҳар бир кишининг онгида қонунга сўзсиз бўйсуниш тамойиллари изчил қарор топиши тарафдоримиз;

**юртимизда истиқомат этувчи барча миллат ва элатлар вакилларининг** тили, маданияти, анъаналарини асраш, миллий-маданий марказлар фаолияти ҳақида ғамхўрлик саъй-ҳаракатларини амалга оширамиз;

**динга ишонувчи фуқароларнинг** қайси динга мансублиги ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар диний қарашларини ҳурмат қиламиз ва уларнинг манфаатларини Олий Мажлис ҳамда маҳаллий ҳокимият идораларида ифода қилиш мажбуриятини оламиз, ёшларимизни виждонли, инсофли, диёнатли, ҳалол-покиза, раҳм-шафқатли бўлишларида шарқона, исломий қадриятлар муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз.

### МАЪНАВИЯТИМИЗНИНГ ЮКСАКЛИГИ УЧУН!

Партиямиз халқ таълими, олий ва ўрта махсус ўқуви замонавий яхлит тизимини шакллантириш ҳамда уни миллий қадриятларимиз, жаҳон илғор тажрибаси асосида давр талаблари даражасига кўтариш, **боғча-ясли тарбиячилари, мактаб, лицей, коллеж, институт, университетлар профессор-ўқитувчиларининг, медицина ходимларининг** жамиятдаги мавқеини беқиёс ошириш лозим, деб билади.

Жамиятимизда иқтидорли йигит-қизларнинг истеъдодларини намоён қилишлари учун зарур таг-заминни вужудга келтириш, болаларимизни меҳнатсевар, ишбилармон, уддабурон, инсонпарвар, ватанпарвар этиб тарбиялашда давлат—жамоатчилик — оила саъй-ҳаракатларида уйғунлик ва самаралилик бўлишини таъминлаш соҳасида қилинаётган ишлар ўта муҳимдир.

Биз кўп асрлик бой салоҳиятга эга Ватанимиз фани, хусусан, унинг етакчи соҳаларига эътиборни кучайтириш, маънавий меросимизни тиклаш, маданиятимизнинг муҳим йўналишлари — бадиий адабиёт, театр, кино, мусиқа, қўшиқчилик, тасвирий санъат, халқ амалий санъати, меъморчилик, маърифат масканлари, ноширлик, оммавий ахборот воситалари, матбаачиликни ривожлантириш, **олимлар, ёзувчилар, журналистлар, санъаткорлар, маданият ходимларининг** жамиятда муносиб ўринларни эгаллашлари ва ақлий бисотини юқори баҳолаш тарафдоримиз.

**Маънавият ва маърифатни юксак даражага кўтарайлик!**

**Зиёлиларнинг жамиятдаги мавқеини беқиёс оширайлик!**

### КУЧЛИ ДАВЛАТ, ИНСОНИЙ СИЁСАТ УЧУН!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси давлат ҳокимияти вакиллик идораларидаги ўз депутатлари орқали:

Конституция ва қонунларга тўла риоя қилиш, қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятларининг ўзаро мувозанатини, уйғунлашувини таъминлаш, жамият ҳаёти ва ривожланишининг ҳуқуқий асосларини яратиш, сиёсий бошқарув тузилмаларини такомиллаштириш, мустақилликнинг сиёсий негизларини мустаҳкамлаш;

барча бўғинлардаги бошқарув идораларининг халқ ва мамлакат манфаатлари йўлида рисоладагидек ишлашига эришиш;

фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш тизимида маҳалланинг ўрни ва аҳамиятини ошириш;

тарихан таркиб топган халқ демократик анъаналарига, миллий ва умуминсоний қадриятлар, одоб-ахлоқ ва инсонпарварлик қоидаларига, Ватанимиз ҳамда жаҳон илғор тафаккурининг ютуқларига асосланиб жамиятнинг барча аъзолари туб манфаатларини уларнинг ижтимоий аҳволи, келиб чиқиши, миллати ва диний эътиқодидан қатъи назар, пухта ҳимоя қилишнинг зарур чораларини кўради.

**Демократия — инсоний ҳаётимизнинг сиёсий шарти, ҳуқуқ ва бурч уйғунлигидир!**

**Ҳамма жойда мустаҳкам тартиб ва интизом ўрнатайлик!**

### ЮРТИМИЗДА ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК ҲУКМРОНЛИГИ УЧУН!

Ўзбекистон заминида туғилиб, унинг равнақига, дунёга танилишига ўзбеклар билан бир қаторда ҳисса қўшган қорақалпоқлар, қозоқлар, қирғизлар, тожиклар, туркманлар, руслар, украинлар, татарлар, уйғурлар, яҳудийлар, корейслар, озарбайжонлар, турклар, арманлар, немислар, бошқирдлар, греклар, форслар ва бошқа, жами юздан ортиқ миллатларнинг вакиллари бугунги кунда мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш борасида ҳормай-толмай меҳнат қилаётганликларини ҳисобга олиб, партиямиз:

республикада яшовчи барча халқларнинг миллий анъаналари ва урф-одатларини ҳурмат қилиш асосида жамиятни сиёсий усуллар билан бирлаштиришга ҳаракат қилади, шовинизм ва миллатчиликни, миллатлараро ва ижтимоий можароларнинг авж олдирилишини, улар қайси шаклда намоён бўлишидан қатъи назар, тамомила рад этади:

республикамизнинг ҳар бир фуқаросида "Ўзбекистон — барчамиз учун азиз ва мўътабар Ватан", "Биз — ягона оиланинг фарзандларимиз" деган туйғуларни шакллантиришга фаол кўмаклашади:

ҳушёр бўлишга, мамлакатимизда мавжуд барқарорлик, ўзаро тушуниш ва ҳамкорликни сақлашга даъват этади.

**Ўзбекистонимизни тинчлик, осойишталик ва барқарорликнинг мустаҳкам қўрғонига айлантирайлик!**

**Азиз Ватанимизни асраб-авайлайлик, улуғлайлик, шону-шуҳратга буркайлик!**

### ЖАҲОНДА ТИНЧЛИК ВА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК УЧУН!

Буюк аждодларимиз — ал-Форобий, ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Исмоил Бухорий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур, Бердах ва бошқа алломалар илму фанга, маънавият хазинасига қўшган бебаҳо ҳиссалари билан юртимиз довруғини оламга таратганликлари;

улуғ бобомиз соҳибқирон Амир Темурнинг қудратли давлат барпо этиб, Шарқу Ғарб мамлакатлари билан дўстона муносабатларни ўрнатганлиги;

"Буюк ипак йўли"нинг марказида жойлашган ўлкамиз узоқ йиллар давомида Осиёни Оврупо билан боғловчи муҳим кўприк бўлиб хизмат қилганлиги мустақил Ўзбекистоннинг, эндиликда, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашининг мустаҳкам тарихий-маънавий заминидир.

Биз давлатимизнинг мана шундай бетакрор заминига суянган ҳолда:

ялпи тинчлик, халқаро хавфсизлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликка йўналтирилган ташқи сиёсатни, хорижий мамлакатлар билан ўзаро манфаатли иқтисодий алоқаларни ривожлантиришни собитқадамлик билан амалга оширишга;

минтақамиздаги нотинч нуқталар — Афғонистон ва Тожикистонда барқарорликка эришишга қаратилган янги ташаббуслар билан чиқишга:

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги фаолиятини амалий ишлар ўзанларига кўчиришга, Россия билан алоқаларимизни янада кенгайтиришга, Марказий Осиё мамлакатларининг иқтисодий, сиёсий, маданий ва мудофаа соҳасидаги ҳамкорлигини чуқурлаштириш сари янги қадамлар қўйишга эришамиз.

**Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашини таъминлайлик!**

### ТИНЧ-ОМОН, ОЗОД ВА ОБОД ЎЗБЕКИСТОН УЧУН!

**АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!**

Ўзбекистон Халқ демократик партияси сайловолди Сиёсий дастурининг бош мазмуни асосан шулардан иборат. Унда, кўриб турганингиздек, ҳар бирингизнинг манфаатларингиз, шубҳасиз, сизни қизиқтираётган кўплаб муаммолар мужассамланган. Биз дабдабали ваъдалар бермаймиз, бажариб бўлмайдиган ишларга, хаёлот оламига ҳеч кимни чорламаймиз. Биз ушбу масалаларни ечишга қаратилган қонунлар, фармонлар, қарорлар, дастурларни тўла амалга оширишни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз, деб биламиз.

Партиямиз Президентимиз И. А. Каримов амалга ошираётган сиёсатнинг мустаҳкам таянчи бўлиб хизмат қилади, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайланган ўз вакиллари орқали давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимидаги масъул лавозимларга ишчан, ташкилотчи, билимдон, юқори малакали, халқ манфаатлари йўлида ҳалол ишлайдиган раҳбарларнинг сайланиш ёки тайинланишларини йўлга қўйишда фаол қатнашади ва уларнинг фаолиятини давр талаблари даражасида йўналтиришга таъсир кўрсатиб боради.

**ҲУРМАТЛИ САЙЛОВЧИ!**

Депутатларимиз давлат ҳокимиятининг ягона манбаи халқ эканлигидан келиб чиқиб, ўз фаолиятларида Сизга таянадилар, Сиз билан маслаҳатлашиб турадилар, ўз ишлари тўғрисида Сизга ҳисобот бериб борадилар.

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси — Сизнинг партиянгиз!** Сизнинг манфаатларингиз, қувончу ташвишларингиз — унинг манфаати, қувончи ва ташвишидир.

**ҚАДРЛИ ОТАХОНЛАР, МЎЪТАБАР ОНАХОНЛАР!**

**АЗИЗ ОҒА-ИНИ, ОПА-СИНГИЛЛАР!**

**Партиямизнинг халқчил сиёсатини унинг вакилларига овоз бериш билан қўллаб-қувватланг!**

**Юртимиз обод, ҳаётимиз фаровон, осмонимиз мусаффо бўлишини истасангиз Ўзбекистон Халқ демократик партияси номзодлари учун овоз беринг!**

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси навбатдан ташқари II қурултойида 1994 йилнинг 1 ноябрь куни қабул қилинган.**

